

ОРЗУ
жумони
ЖУМАНАЗАР
БЕКНАЗАР




ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2017

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

Б-49

Бекназар, Жуманазар

Орзу уммони: шеърлар / Жуманазар Бекназар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 96 б.

ISBN 978-9943-27-901-8

© Жуманазар Бекназар, «Орзу уммони». «Янги аср авлоди», 2017 йил.

ИЖОДКОРНИНГ ТАФАККУР БОҒИ

Умр – камолотга эришмоқ учун берилган имкон. Бу ҳақиқатни теран англаган инсон ҳар лаҳзани ғанимат билади, вақтни исроф қилмайди. Беҳуда сарфланган ҳар бир дақиқа одамзотни моҳиятдан узоқлаштиради; уни хатоликлар гирдобига ташлайди. «Вақтинг кетди – нақдинг кетди», дейди доно халқимиз. Бундаги «нақд» моддий бойлик маъносини ҳам ифодалар, эҳтимол. Аслида эса, ундан кўра кенгроқ – умр мазмунини англатади бизнингча. Йўқотилган мол-дунёнинг ўрни қопланиши мумкин. Бироқ бой берилган вақтни зинҳор ортга қайтариб бўлмайди. Шу боис чинакам тафаккур эгалари умрнинг ҳар лаҳзасини огоҳлик билан ўтказди. Уни Ватан ва миллат манфаатига бағишлайди. Ана шундай огоҳ замондошларимиздан бири тиббиёт фанлари доктори, профессор, таниқли адиб ва шоир Жуманазар Бекназаровдир.

Тиббиётда олим эгаллаган мавқени орзу қилиш мумкин, холос. Бу фақатгина у эришган расмий илмий даражаю унвонлар билангина боғлиқ эмас. Ҳатто унинг халқаро миқёсдаги ҳавас қиларли эътирофлари ҳам бу мавқе моҳиятини тўлиқ белгилай олмайди. Ҳолбуки, у кашф этган жарроҳлик усуллари дунёнинг жуда

кўп мамлакатлари тиббий амалиётида қўлланади. Шифокор сифатида у юз минглаб одамларнинг нафақат хаста вужудига, балки дардманд қалбига ҳам малҳам қўя билди. Юртимизда бирон гўша йўқки, унинг жарроҳлик тиғи боис ҳаётга қайтган, самимий нигоҳию меҳрга йўғрилган сўзи боис бузуқ кўнгли обод бўлган одамлар учрамасин. Касб малакаси, жарроҳлик тиғи, дори-дармон орқали бемор вужудни даволаш мумкиндир. Лекин чўккан кўнгилни кўтариш, умидсиз қалбда ҳаётга муҳаббат туйғусини пайдо қилиш оқ халат кийганларнинг ҳар бирига ҳам муяссар бўлавермаслиги аён. Жуманазар акада ана шу икки фазилатнинг фавқулодда уйғунлигини кузатиш мумкин. Фақат бугина эмас. У ижодкор ҳамдир.

Адиб ёки шоир тайёрлайдиган махсус таълим муассасаси йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ижодкорлик истеъдоди Худодан берилди. Йўқса асли касби ветеринар бўлган Чингиз Айтматов бадий ижодда бунчалик юксак мавқега кўтарилмаган бўлар эди. Акс ҳолда Жуманазар Бекназар насрда ва назмда барабар қалам тебрата олмас, ижод аҳлининг бу даражадаги эътирофини қозона билмас эди.

Жуманазар Бекназарнинг ҳаёт тарзидан, иш фаолиятидан яхшироқ хабардор ҳар қандай одам унинг вақтдан нечоғлик унумли фойдалана билишидан ҳайратга тушиши аниқ. Ўйлаб кўринг, қаери оғриётганини айта олмайдиган гўдаклару хаста ўсмирлар, дардманд ўрта ёшлилару инжиқ кексалар вужудида эрта

тонгдан қоронғи шомгача жарроҳлик амалиёти-ни ўтайдиган одам ишдан кейин одатда нима қилади? Соғлом ақлли ҳар қандай кишининг фикрича, бундай заҳматли меҳнатдан кейин ҳордиқ чиқариш, тошдай қотиб ухлаш мумкин, холос. Чунки одамнинг табиий эҳтиёжи шуни тақозо этади. Шундай оғир иш кунидан кейин яна алламаҳалгача қоғоз қоралаш, ижод билан шуғулланиш эса, тўғриси, ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайди. Бунинг учун қалбда илҳом булоғи қайнаб туриши керак. Бунинг учун туганмас ғайрат, шижоат зарур. Бунинг учун ўткир ижодий тафаккур, теран ақлу зако, туйғу самимияти лозим инсонга. Тан олиш керак, ўзида ана шу фазилатларни тўлақонли мужассам этган Жуманазар Бекназарга ҳавас қилмасликнинг иложи йўқ.

Истеъдоднинг бунчалик кўп қиррали бўлиши фақат ўтмиш мутафаккирларга хосдек туюлади бизга. Тиб аҳлининг адабиётга яқинлиги ҳақида сўз кетса, шайх ур-раис Ибн Синонинг «Уржузалар»и тилга олинади. Тиббий маърифатни, тиббий илмий қарашларини арузнинг ражаз баҳрида (шунинг учун ҳам «уржуза» деб аталган) маҳорат билан бадиий талқин этган бу буюк аллома ижоди ҳақиқатан ҳам ҳайратга лойиқ. Лекин яна бир ҳақиқат бор: биз билан бирга, бир замонда яшаётган ана шундай истеъдодларни кўпда эътироф этавермаймиз, кўпда қадрлайвермаймиз... Менимча, олим, врач, шоир, ёзувчи, публицист ва мутафаккир Жуманазар Бекназар билан замондош экани-

миздан ҳар қанча ифтихор қилсак арзийди. Бундай одамларнинг фавқулодда истеъдодини наинки тан олиш, етарли даражада қадрлашни ҳам ўрганишимиз зарур.

Мана, қўлимизда шоирнинг янги назмий тўплами. «Орзу уммони» деб номланган бу китоб шеърят мухлисларини муаллифнинг самимий туйғулари олами билан таништиради. Мутолаа қилиб кўринг, унинг шеърларидаги булоқ сувидай тиниқ самимият сизнинг ҳам қалбингизга кўчиши тайин.

Шоир Ватан туйғусини муқаддас ва дахлсиз деб билади. Бу туйғу унинг учун ҳар недан ҳам азиз. Ижодкор фикрича: «Ватанни ардоқлаш – яшаш маъноси». Она юртга бўлган муҳаббат тўпламдаги шеърларнинг асосини ташкил этиши, бизнингча, шунинг билан изоҳланиши мумкин.

Ватанга муҳаббат... Бу – минбарларда айтиладиган сўз эмас, балки она юрт дарди билан яшаш; умрнинг ҳар сониясини, ҳар лаҳзасини қатрама-қатра Ватан манфаатига бағишламоқдир. Ватанга муҳаббат... Бу, биринчи навбатда, масъулиятдир. У мудом огоҳ бўлмоқни тақозо этади. Шоир фикрича, мудроқ дил билан Ватанни юксалтириб бўлмайди. Бунинг учун ўтаётган ҳар онни ғанимат билмоқ зарур. «Масъуллик» сарлавҳали тўртлигида шоир ана шу туйғуни ўзига хос талқин этади:

*Уйқудан уйғонмоқ эмасдур осон,
Мудроқ диллар қачон топгайдир имкон?*



*Кўз тиккандир Ватан юксалмоқ учун,
Англадингми, интил ҳар вақт, ҳар он!*

«Чексиз файзли тонг» шеърида Ватан севгиси ўқувчи шуурига табиат тасвири орқали маҳорат билан сингдирилади. Теран мазмун, оҳорли ташбеҳлар, қуюқ метафоралар уйғунлиги шеърнинг бадиияти мукамаллигини таъминлаган. Шоир зумрад тоғ бағридан мўралаган қуёшда ҳам, камалаклар товланган чаманзорда ҳам Ватанни кўради. Мана бу мисралардаги туйғу самимияти ва табиат гўзаллигининг бетақрор талқини кўнгил торларини чертиб юборади:

*Мўъжиза чиройга камалак мафтун,
Гуллардан эгилиб оларкан бўса.
Жилвагар уфқ ҳам ёнади гулгун,
Сайрайди булбуллар шодликдан роса.*

Натижада қалблардан оҳанги зиё чашмасидай мафтункор кўшиқ таралади. Бу кўшиқ фалак узра она элга, Ватанга бўлган ишқдан бонг уради. Истиқлолнинг серфайз тонги, ижодкор наздида, ана шу кўшиқ орқали бошланади.

Энг гўзал орзу-идеалларини шоирлар одатда табиат тасвири замирига жойлайди. Жуманазар Бекназар ҳам пейзаж тасвири борасида чўнг маҳоратга эга. Мана бу мисралар ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

*Атиргул ҳис берди нафис, беқиёс,
Ҳисдан жилоланди дилдаги олмос.*

*Райҳон ифоридан чексиз эҳтирос,
Райҳондан гапир, эй, бахтли кунларим!*

*Сўқмоқлар бағрида сирлар яширин,
Сирлардан сездим мен илм таъсирин.
Юлдуздай хаёллар нақадар ширин,
Чўлпондан гапир, эй, бахтли кунларим!*

Табиат тасвири, табиийки, бир восита. У ижодкор руҳияти, кайфияти ифодасига хизмат қилади. Шеърнинг «Иймондан гапир, эй, бахтли кунларим!» деб якунланиши шоирнинг асл мақсадини ўзида мужассам этади. Бу эса, Жуманазар Бекназар оз сўз замирига кўп маъно юклай олишини, рамзлар, тимсоллар тилидан маҳорат билан фойдалана билишини кўрсатиши жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир.

Шоир инсон ҳаётининг мазмунини илм излашда, маърифатга интилишда деб билади. Унинг наздида, тақдир синовларига дуч келганда, машаққатлар гирдобига тушганда сабру қаноат қилмоқ одамзот учун фазилат. Моддий бойликларидан айрилган ёхуд тўхматлар қуршовида қолган киши ҳам қаноатдан нажот топади. Инсон фақат бир нарсага – тўплаган илмига қаноат қилмаслиги керак. Зеро, илмда эришган даражасига қаноат қилган одам ўсишдан тўхтайдди, ортиқ камолотга интилмай кўяди. Бу эса, инсонни камолотдан тўсгани каби жамият ҳаётига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шеърнинг хулоса қисмида шоир бу ҳақиқатни куйидагича ифодалайди:

*Уммондек саодат бўлса ёр, албат,
Ақлу идрокингга этмай хиёнат.
Тафаккур боғига устоз бўл фақат,
Илмий дурлар тергил қилмай қаноат.*

Жуманазар Бекназар шеърларининг мавзу кўлами кенг. Инсон ва унинг моҳияти, умр мазмуни, она замин севгиси, табиат тасвири, илм-маърифат, ишқ-муҳаббат... Қай бир мавзуда қалам тебратмасин, ижодкор мазмун теранлиги ва тасвир бадиияти уйғунлигини таъминлай олади. Шоирнинг халқона оҳангдаги шеърларидан, назаримизда, дўмбиранинг сирли ва сеҳрли саси эшитилиб туради. Бундай шеърларни шунчаки ўқиб бўлмайди. Улар кўнгилларга куйдай, кўшиқдай оқиб киради. Шундоқ қулоқларимиз тагида боболарнинг ҳикматларга йўғрилган хиргойилари, момоларнинг жозибалласи янграгандай бўлади.

Шоир янги назмий тўпламини «Орзу уммони» деб атабди. Биз азалдан уммонни орзу қилган халқимиз. Ижодкор шеърсевар халқимизга орзулар уммонини ҳадея этар экан, бу орқали она элга чин ўғиллик хизматини адо этаётир. Шоирнинг тафаккур боғида илҳом наҳрдан сув ичиб очилган назмий чечаклар кўнгилларга ёруғлик олиб киришига, ўқувчилар эътирофини қозонишига ишонамиз.

***Нурбой Жабборов,
филология фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси***

МАСЪУЛЛИК

Уйқудан уйғонмоқ эмасдур осон,
Мудроқ диллар қачон топгайдир имкон?
Кўз тиккандир Ватан юксалмоқ учун,
Англадингми, интил, ҳар вақт, ҳар он!





КІТОВХОН

BILIMLAR XAZINABONI

Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq
versiyasi

<https://kitobxon.com/oz/asar/4155>
saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг
тўлиқ версияси

<https://kitobxon.com/uz/asar/4155>
сайтида.

Это был ознакомительный отрывок.
Полную версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4155>